

**БОЖХОНА СОҲАСИДА СОДИР ЭТИЛАЁТГАН СОЛИҚЛАР ЁКИ ЙИҒИМЛАРНИ ТЎЛАШДАН
БЎЙИН ТОВЛАШ ЖИНОЯТИ БЎЙИЧА ЖАВОБГАРЛИК МУАММОЛАРИ**

Эшназаров Лазизбек Мансурович,

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси тадқиқотчиси

E-mail: doznaniya8589@gmail.com

Аннотация:

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддасида назарда тутилган солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жиноятининг божхона тўловлари билан боғлиқ ҳуқуқий жиҳатлари таҳлил қилинган. Амалдаги қонунчиликда “божхона божи” тушунчасининг мазкур модда диспозициясида аниқ ифодаланмагани ҳуқуқни қўллаш амалиётида турли ёндашувларни келтириб чиқараётгани асослаб берилган. Солиқ кодекси, Божхона кодекси ва Бюджет кодекси нормаларининг ўзаро мувофиқлиги илмий жиҳатдан ўрганилган. Божхона божларининг солиқ ва йиғим тушунчаларидан фарқ қилувчи мустақил ҳуқуқий табиатга эгаллиги далиллар асосида ёритилган. Шунингдек, божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш ҳолатларида Жиноят кодексининг 182 ва 184-моддалари ўртасидаги квалификация муаммолари таҳлил қилинган. Амалиётда ташқи иқтисодий фаолият жараёнида юзага келаётган ҳуқуқий бўшлиқлар мисоллар орқали кўрсатилган. Давлат божхона хизмати органларининг ваколатлари ва жиноят ишларини қўзғатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Хорижий давлатлар, жумладан Россия, Беларусь, Қозоғистон ва Қирғизистон тажрибаси қиёсий таҳлил қилинган. Қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан ЖК 184-моддасига “божхона божлари” тушунчасини киритиш ва процессуал нормаларни аниқлаштириш бўйича таклифлар берилган. Мақола натижалари божхона соҳасида қонунийлик ва жазо муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилади.

Калит сўзлар: божхона божи, солиқлар, йиғимлар, жиноий жавобгарлик, квалификация, божхона тўловлари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, ташқи иқтисодий фаолият, қонунчиликни такомиллаштириш.

**ПРОБЛЕМЫ ОТВЕТСТВЕННОСТИ ЗА ПРЕСТУПЛЕНИЯ, СВЯЗАННЫЕ С УКЛОНЕНИЕМ ОТ
УПЛАТЫ НАЛОГОВ ИЛИ СБОРОВ, СОВЕРШАЕМЫЕ В ТАМОЖЕННОЙ СФЕРЕ**

Эшназаров Лазизбек Мансурович

Исследователь Академии правоохранительных органов

E-mail: doznaniya8589@gmail.com

Аннотация:

В данной статье исследуются правовые аспекты уклонения от уплаты таможенных платежей в контексте статьи 184 Уголовного кодекса Республики Узбекистан. Обосновано, что отсутствие прямого указания понятия «таможенная пошлина» в диспозиции указанной нормы вызывает различные подходы в правоприменительной практике. Проведен научный анализ взаимосвязи положений Налогового кодекса, Таможенного кодекса и Бюджетного кодекса. Доказано, что таможенная пошлина обладает самостоятельной правовой природой и не полностью охватывается категориями налогов либо сборов. Рассмотрены проблемы квалификации деяний

по статьям 182 и 184 УК Республики Узбекистан. На практических примерах раскрыты пробелы законодательства, возникающие при таможенном оформлении товаров и уплате обязательных платежей. Особое внимание уделено полномочиям органов государственной таможенной службы при возбуждении уголовных дел. Проведен сравнительно-правовой анализ законодательства России, Беларуси, Казахстана и Кыргызстана. Сформулированы предложения по внесению изменений в статью 184 УК, предусматривающие включение термина «таможенные пошлины» и уточнение процессуальных оснований привлечения к ответственности. Результаты исследования направлены на обеспечение принципов законности и неотвратимости наказания.

Ключевые слова: таможенная пошлина, налоги, сборы, уголовная ответственность, квалификация, таможенные платежи, правоприменение, внешнеэкономическая деятельность, совершенствование законодательства.

PROBLEMS OF LIABILITY FOR CRIMES RELATED TO EVASION OF PAYMENT OF TAXES OR FEES COMMITTED IN THE CUSTOMS SPHERE

Eshnazarov Lazizbek Mansurovich

Researcher at the Law Enforcement Academy

E-mail: doznaniya8589@gmail.com

Abstract:

This article examines the legal aspects of evasion of customs payments within the framework of Article 184 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. It is substantiated that the absence of a direct reference to the concept of “customs duty” in the disposition of this norm creates inconsistent approaches in law-enforcement practice. A scientific analysis of the interrelation between the Tax Code, Customs Code and Budget Code has been carried out. It is proven that customs duty has an independent legal nature and cannot be fully covered by the categories of taxes or fees. The issues of legal qualification under Articles 182 and 184 of the Criminal Code are also considered. Practical examples reveal legislative gaps arising during customs clearance procedures and payment of mandatory charges. Special attention is paid to the powers of customs authorities in initiating criminal proceedings. A comparative legal review of the legislation of Russia, Belarus, Kazakhstan and Kyrgyzstan is presented. Specific proposals are developed to amend Article 184 by introducing the term “customs duties” and clarifying procedural grounds for liability. The results of the study are aimed at strengthening legality and ensuring inevitability of punishment in the customs sphere.

Keywords: Customs duty, taxes, fees, criminal liability, legal qualification, customs payments, law enforcement, foreign economic activity, legislative improvement.

Кириш

Глобаллашув жараёнлари ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши шароитида давлат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашда божхона органларининг ўрни тобора ортиб бормоқда. Давлат бюджети даромадларини шакллантиришда божхона тўловлари муҳим манба ҳисобланади. Шу боис мазкур тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ундириш давлат молиявий барқарорлигининг асосий кафолатларидан бири саналади.

Бироқ, амалиётда айрим шахслар томонидан божхона божлари, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан турли усуллар орқали бўйин товлаш ҳолатлари учраб турибди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддасида солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган бўлса-да, мазкур нормада “божхона божи” тушунчасининг аниқ ифодаланмагани назарий ва амалий муаммоларни келтириб чиқармоқда. Айниқса, божхона тўловларини камайтириш мақсадида товарларнинг ТИФ ТН коддини нотўғри кўрсатиш, божхона режими талабларини бузиш, божхона имтиёзларини нотўғри қўллаш каби ҳаракатларни квалификация қилишда ягона ёндашув мавжуд эмас. Натижада айрим ҳолатларда жиноий қилмишлар маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида баҳоланиб, жазонинг муқаррарлиги принципига путур етмоқда.

Шу билан бирга, Солиқ кодекси, Божхона кодекси ва Бюджет кодекси нормаларини тизимли таҳлил қилиш божхона божларининг мустақил ҳуқуқий институт эканини кўрсатади. Ушбу тўлов ташқи савдони тартибга солиш, миллий ишлаб чиқарувчиларни ҳимоя қилиш, тариф сиёсатини амалга ошириш ҳамда давлат иқтисодий манфаатларини таъминлаш вазифаларини бажаради. Демак, уни оддий йиғим ёки солиқ сифатида баҳолаш ҳуқуқий жиҳатдан тўлиқ асосли эмас.

Мазкур мақоланинг мақсади — божхона божларини тўлашдан бўйин товлаш учун жиноий жавобгарликнинг ҳуқуқий асосларини тадқиқ этиш, амалдаги қонунчиликдаги бўшлиқ ва зиддиятларни аниқлаш, хорижий тажрибани ўрганиш ҳамда Жиноят кодексининг 184-моддасини такомиллаштириш бўйича илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Асосий қисм. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг XII боби 184-моддасида солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жинояти учун жавобгарлик белгиланган.

Унга кўра, солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш жинояти фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек давлат томонидан белгиланган солиқларни ёки йиғимларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш ҳисобланади [1].

2020 йил 8 январгача амалда бўлган эски таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 23-моддаси учинчи қисмининг 3-бандида божхона тўловлари бошқа мажбурий тўловлар жумласига кириши қатъий белгилаб қўйилган эди.

Ўзбекистон Республикаси Божхона кодексининг 289-моддасига мувофиқ қуйидаги божхона тўловлари тўланади:

божхона божи;

қўшилган қиймат солиғи;

акциз солиғи;

божхона йиғимлари [2].

Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 17-моддасида божхона тўловларидан қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва йиғимлар қамраб олинган бўлсада, “божхона божи” солиқлар ва йиғимларнинг тури сифатида кўрсатилмасдан қолиб кетган.

Натижада, амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 184-моддаси диспозициясида божхона божи аниқ кўрсатилмаганлиги божхона тўловларини тўлашдан

қасддан бўйин товлаганлик ҳолатларида шахсларни ушбу модда билан жавобгарликка тортишда турли ёндашувларни келтириб чиқармоқда.

Ҳаттоки, бир қатор ҳуқуқшунослар божхона божлари Солиқ кодексидаги йиғимлар билан қамраб олинган деб ҳисоблашади. Бу фикрлар Жиноят ва Солиқ кодексларининг лойиҳалари бўйича ўтказилган ишчи йиғилишларда мутахассислар томонидан билдирилган.

Амалдаги қонунчиликни чуқурроқ ўрганадиган бўлсак, божхона божи на солиқ тушунчаси билан, на йиғим тушунчаси билан қамраб олинмаган.

Жумладан, Божхона кодексининг 290-моддасида божхона божларига импорт, экспорт, алоҳида (махсус, антидемпинг ва компенсация) ва мавсумий божхона божлари кириши белгиланган.

Импорт божхона божи товар божхона ҳудудига олиб кирилаётганда, экспорт божхона божи товар божхона ҳудудидан олиб чиқиляётганда, алоҳида (махсус, антидемпинг ва компенсация) божхона божлари Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш, мавсумий божхона божлари ташқи савдони тезкор тартибга солиш мақсадида қўлланилади.

Солиқ кодексининг 16-моддасига мувофиқ, солиқ деганда ушбу Кодексида белгиланган, Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ёки давлат мақсадли жамғармасига тўланадиган мажбурий беғараз тўлов тушунилади.

Йиғим деганида эса бюджет тизимига ушбу Кодексида ёки бошқа қонунларда белгиланган мажбурий тўлов тушунилиши белгиланган [3].

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 51-моддасида божхона божлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети даромадлари қаторида солиқлар ва йиғимлардан ажратилган ҳолда алоҳида кўрсатилган.

Гувоҳи бўлганимиздек бирон-бир норматив-ҳуқуқий ҳужжатда божхона божи йиғимларнинг ичига кириши кўрсатилмаган.

Шу билан бирга, йиғимларга нисбатан божхона божи қуйидаги асосий фарқларга эга:

- Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш;
- товарлар экспорти ва импорти назоратини амалга ошириш;
- хорижий давлатлар билан ўзаро савдо-иқтисодий ҳамкорликни амалга оширишда тариф преференцияларини қўллаш;
- тўлиқ ҳажмда республика бюджети даромадларига йўналтириш;
- фақат божхона чегараси орқали олиб ўтиладиган товарларга нисбатан қўллаш.

Юқоридагиларга кўра ҳамда божхона божлари ташқи савдони тартибга солишнинг асосий воситаси сифатида қўлланилишини инобатга олиб, “божхона божи” тушунчаси “йиғимлар” тушунчасидан фарқли равишда амалиётда қўлланилиши шарт.

Божхона божлари тушунчаси ташқи савдони амалга ошириш жараёнида ундириладиган республика бюджети даромадларининг алоҳида турини англатиб, Солиқ кодексининг 16-моддасидаги йиғим тушунчасига берилган таъриф билан қамраб олинмаган.

Жиноят кодексининг 182-моддасида божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Агарда, божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жинояти билан (182-модда диспозициясида келтирилган усулларда) содир этилган

тақдирда 182-модда, яъни божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жиноятини қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 31 майдаги “Солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги 08-сон қарорининг 7-банди иккинчи хатбошида товарларни божхона чегарасидан ўтказиш билан боғлиқ равишда давлат божи тариқасидаги солиқларни тўлашдан бўйин товлашда ифодаланган ҳаракатлар ЖКнинг 182-моддаси билан қамраб олиниши ва ЖКнинг 184-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмаслиги қайд қилинган [4].

Аммо, амалиётда товарларни божхона чегарасидан ўтказиш жараёнида божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жинояти содир этилмасдан, товарларни божхона расмийлаштируви жараёнида божхона божлари, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва бошқа йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш ҳолатлари ҳам аниқланади.

Шу билан биргаликда, божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жинояти божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш жиноятини ўз ичига тўлиқ қамраб ололмайди.

Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жинояти божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш мақсадида содир этилиши мумкин. Бироқ, божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш ЖКнинг 182-моддаси диспозициясида қайд этилган усуллардан бошқа усулларда ҳам содир этилиши мумкин.

Қонунчиликка мувофиқ, товарлар республика божхона чегарасидан олиб кирилиб, ташқи иқтисодий фаолият божхона постига етказилади. Ташқи иқтисодий фаолият божхона постида товарлар “Эркин муомалага чиқариш” (ИМ-40 ва НД-40) божхона режимига расмийлаштирилиб, божхона тўловлари тўланганидан сўнг товарлар эгасига бериб юборилади.

Божхона чегарасидан қонуний олиб ўтилган товарларни республика ички худудида жойлашган ташқи иқтисодий фаолият божхона постида божхона расмийлаштирувидан ўтказишда божхона органига божхона юк декларацияси тақдим этилади. Ушбу декларацияда, ЖКнинг 182-моддаси диспозициясида қайд этилган усуллардан бошқа усулларда, нотўғри маълумотларнинг кўрсатилиши божхона тўловларининг кам ҳисобланишига сабаб бўлиши мумкин.

Мисол учун: чет элдан олиб келинган 300 дона холодильник товарлари ташқи иқтисодий фаолият божхона постида божхона кўригидан ўтказилганида уларнинг сони ҳақиқатдан 300 дона эканлиги, номи ва маркаси ҳам айнан тўғри эканлиги, яъни декларацияда кўрсатилган миқдорда эканлиги аниқланган. Бироқ, ўрганиш жараёнида декларацияда кўрсатилган товарларнинг ТИФ ТН коди хато эканлиги ва шунинг асосида жуда кўп миқдордаги божхона тўловлари кам ҳисобланганлиги аниқланган.

Бошқа ҳолатда: чет элдан олиб келинган товарлар белгиланган тартибда божхона кўригидан ўтказилганида бирон-бир тафовутлар аниқланмаган ҳамда товарларнинг кузатув ҳужжатлари ва божхона юк декларацияларида камчиликлар бўлмаганидан сўнг “Божхона омбори” (ИМ-74) божхона режимига расмийлаштирилган.

Божхона кодексининг 94-моддасига мувофиқ, товарнинг божхона омбори божхона режимида туриш муддати уч йилни ташкил этади. Ушбу муддат ичида божхона органи ходимлари томонидан товарларнинг сақланиши ўрганилганда, товарлар учун жуда кўп миқдордаги божхона тўловлари тўланмасдан ишлатиб юборилганлиги аниқланган.

Бу каби ҳолатлар божхона органлари фаолиятида доимий равишда учрайди. Уларда Жиноят кодексининг 182-моддаси диспозициясида назарда тутилган хатти-ҳаракатлар мавжуд эмас. Бироқ, кўп ёки жуда кўп миқдордаги божхона тўловлари (божхона божи, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва божхона йиғимлари)ни тўлашдан бўйин товлаш аломатлари мавжуд. Шундай бўлсада, Жиноят кодексининг 184-моддасида “божхона божи” назарда тутилмаганлиги ҳамда назоратчи орган сифатида божхона органлари белгиланмаганлиги важи билан давлат божхона хизмати органлари ходимлари томонидан Жиноят кодексининг 184-моддаси асосида жиноят ишларини қўзғатишга назорат қилувчи прокурорлар томонидан рухсат берилмайди. Натижада, бундай ҳолатлар Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 227⁸, 227¹³-моддалари ва 227²⁵-моддаси 1-қисми тартибда ҳал қилиниб, жиноят учун жавобгарлик таъминланмасдан қолиб кетмоқда.

Давлат божхона хизмати органларига Жиноят кодексининг 184-моддаси асосида жиноят иши қўзғатилишига йўл қўйилмаслигининг мантиқсиз томонларидан яна бири Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 381²-моддаси биринчи қисмининг 4-бандида Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси ҳамда унинг жойлардаги бўлинмалари томонидан Жиноят кодексининг бир нечта моддалари билан бирга 184-моддаси биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш билан боғлиқ бўлган жиноятларга доир ишлар бўйича суриштирув олиб бориш мажбурияти белгилаб қўйилган. Шу сабабли, Жиноят кодексининг 184-моддасида “божхона божлари” тушунчаси алоҳида акс эттирилиши ҳамда “давлат божхона хизмати органи комиссияси хулосаси” сўзларини қўшиш, қонун устуворлиги ва жазо муқаррарлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этади деб ўйлаймиз.

Шунингдек, ҳалқаро тажриба ўрганилганида Россия Федерацияси, Беларусия, Қозоғистон, Қирғизистон жиноят қонунчилигида божхона тўловлари тўлашдан бўйин товлаганлик учун алоҳида моддада жиноий жавобгарлик белгиланган.

ЖКнинг 184-моддаси бўйича қуйидаги таклифлар билдирилади.

Модданинг номидаги ҳамда иккинчи, учинчи, тўртинчи ва бешинчи қисмларидаги “солиқлар” деган сўздан кейин “божхона божлари” сўзларини қўшиш;
биринчи қисмдаги “солиқларни” деган сўздан кейин “божхона божларини” сўзини қўшиш;
бешинчи қисмдаги “давлат солиқ хизмати органининг қарорини” сўзларидан кейин “давлат божхона хизмати органи комиссияси хулосасини” деган сўзларни қўшиш”.

Хулоса

Тадқиқот натижалари шуни кўрсатадики, Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигида божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлашга оид нормаларни такомиллаштириш объектив зарурат ҳисобланади. Амалдаги Жиноят кодекси 184-моддасида “божхона божлари” тушунчасининг мавжуд эмаслиги ҳуқуқни қўллаш амалиётида турлича талқинларга сабаб бўлиб, жиноий жавобгарлик масаласида ноаниқликни келтириб чиқармоқда.

Бу эса қонунийлик, тенглик ва жазо муқаррарлиги принципларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Божхона божи ўзининг иқтисодий вазифаси, ҳуқуқий табиати ва қўлланилиш соҳасига кўра солиқ ҳамда йиғимлардан фарқ қиладиган мустақил мажбурий тўлов ҳисобланади. У ташқи савдони тартибга солиш, импорт-экспорт жараёнларини бошқариш, миллий бозорни ҳимоя

қилиш ва бюджет даромадларини таъминлаш каби вазифаларни бажаради. Шу сабабли уни жиноят-ҳуқуқий нормаларда алоҳида объект сифатида ифодалаш зарур.

Шундан келиб чиқиб, Жиноят кодексининг 184-моддаси номи ва диспозициясига “божхона божлари” атамасини киритиш, давлат божхона хизмати органлари комиссияси хулосасини жиноят ишини қўзғатиш ва рад қилиш асосларидан бири сифатида белгилаш мақсадга мувофиқ. Бу ўзгартишлар божхона соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши кураш самарадорлигини оширади, бюджет манфаатларини ҳимоя қилади ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида ягона амалиётни шакллантиради.

Хорижий давлатлар тажрибаси ҳам божхона тўловларини тўлашдан бўйин товлаш учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгиланиши самарали механизм эканини кўрсатади. Шунинг учун миллий қонунчиликни халқаро стандартлар асосида такомиллаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади. Умуман олганда, таклиф этилаётган ислохотлар давлат иқтисодий хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва адолатли жиноят сиёсати юритишга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.

Адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси - 01.04.1995. <https://lex.uz/docs/111453>.
2. Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси - 22.04.2016. <https://lex.uz/docs/2876354>.
3. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги таҳрири) - 01.01.2020. <https://lex.uz/docs/4674902>.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2013 йил 31 майдаги “Солиқлар ва йиғимларни тўлашдан бўйин товлаганлик учун жавобгарликка оид қонунчиликнинг судлар томонидан қўлланилиши тўғрисида”ги 08-сон қарори. <https://lex.uz/docs/2212245>.
5. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси - 01.04.1995. <https://lex.uz/uz/docs/97664>.
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси - 01.04.1995. <https://lex.uz/uz/docs/111460>.
7. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳлар. Махсус қисм. М.Х.Рустамбаев – Т.: Yuridik adabiyotlar publish, 2024.
8. Акрамжон Ахлимирзаев – “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жинояти ва унинг мамлакат иқтисодий хавфсизлигига таҳдиди”, “Тергов амалиёти” журнали, <https://www.tergov.uz/>, № 2/2025 йил (24-сон).
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сон фармони. <https://lex.uz/docs/3039311>.
10. Ўзбекистон Республикасининг 2015 йил 20 августдаги “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига хусусий мулкни, тадбиркорлик субъектларини ишончли ҳимоя қилишни янада кучайтиришга, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги ЎРҚ-391-сон қонуни. <https://lex.uz/docs/2724496>.